# Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 93 (8.677) ◆ 1995 йил ◆ 11 август, жума ◆ Сотувда эркин нархда




# МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ТЎРТ ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

## 13 август — Қурувчилар куни

***Тошкент шаҳрида энг йирик қурилиш ташкилотларидан бўлмиш «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси бинокорлари ҳам ҳамма каби касб байрамларини нишонлайдилар. Хўш, улар ўзларининг бу байрамига қандай совғалар билан келишди? Қурувчилар келажакда пойтахтда қандай бинокорлик иншоотларини бунёд этишади? Биз ана шу ва бошқа саволлар билан корпорация ишлаб чиқариш-техника бошқармасининг бошлиғи Владимир ЛИЧКОВга мурожаат қилдик.***

*Бизнинг суҳбат*

## БИНО ҚУРГАН ЕТАР МУРОДГА

— Мен қурувчиларимиз байрами мустақиллик тантаналари арафасида ўтаётганидан жуда хурсандман. Чунки мустақиллик туфайли бинокорларнинг ҳам бағрига шамол тегди. Корпорациямизга қарашли қурилиш ташкилотлари ҳозирги кунда ҳиссадорлик жамиятларига ўтиб ишламоқдалар. Шу сабабли уларнинг моддий манфаатдорлиги ошди. Бир сўз билан айтганда қурувчиларимиз ҳақиқий мулк эгаларига айланишди.

Бинокорлар ҳар вақтдагидек бу йил ҳам шижоат билан ишламоқдалар. Йил бошидан шу кунгача ҳаммаси бўлиб 151 минг 115 квадрат метр турар жой биноларини фойдаланишга топширишди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9 минг 102 квадрат метр кўпдир. Шунинг учун ўсиш суръати 106 фоизни ташкил этди. Бунда айниқса йирик ҳажмли-блокли тажриба уйсозлик комбинати қурувчиларининг ҳиссаси каттадир. Чунки улар ўтган йили 26 минг 693 квадрат метр турар жой биноларини қурган бўлса, бу йил шу кунгача қурувчилар томонидан 35 минг 467 квадрат метр уй-жойлар фойдаланишга топширилди. Ўсиш суръати эса 132,9 фоизгача бориб етди.

2-уйсозлик комбинати бинокорлари ҳам юқоридаги ҳамкасбларидан ортда қолишмаяпти. Улар ўтган йил шу давр мобайнида 16 минг 954 квадрат метр турар жой биноларини қурган бўлсалар, бу йил бу рақамни 21 минг 718 квадрат метрга етказишди. 1-уйсозлик комбинати қурувчилари эса шу давр мобайнида 46 минг 439 квадрат метр турар жой биноларини фойдаланишга топшириб, ўтган йилга нисбатан ўсиш суръатини 127,9 фоиз миқдорида таъминладилар.

**— Турар жой биноларидан ташқари маданий-маиший қурилиш нуқталари ҳам ишга тушган бўлса керак?**

— Албатта. Масалан шу йилнинг ўзида маданий-маиший хизмат нуқталаридан 18 таси қуриб битказилди. «Қурувчи», «Қўйлиқ-7», «Бешёғоч» мавзеларида ҳамда «Файзиобод» маҳалласидаги гузар ва чойхоналар шулар жумласидандир. Бундан ташқари бу қурувчиларимиз томонидан бир нечта кичик нон корхоналари ишга туширилди. Ибн Сино, Юнусобод даҳалари ва Беруний, Қушбеги кўчаларидаги кичик нон корхоналарини бунга мисол қилиб келтирса бўлади. Бу ишларни 12, 159-трест ҳамда корпорацияга қарашли бошқа қурилиш ташкилотлари амалга оширишди. 12-трест бунёдкорлари томонидан қуриб битказилган қоғоз фабрикасини айниқса таъкидлагим келади. Чунки республикамизда бу корхона қоғоз танқислигини анча юмшатади. Унинг йиллик қоғоз ишлаб чиқариш қуввати 5 минг 400 тоннадир.

**— Корпорация қурувчиларининг ҳозирги кунда энг долзарб бўлиб турган пойтахтнинг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилишдаги ишлари ҳақида ҳам икки оғиз сўзласангиз.**

— Бу борадаги кўпгина ишлар корпорациямиз бунёдкорлари зиммасига юклатилган. Лекин бизнинг асосий вазифамиз Эски шаҳарни қайта қуриш ва обод қилиш жараёнида уйлари бузилган оилаларни турар жой билан таъминлашдир. Айни пайтда қурувчиларимиз бунинг уддасидан чиқишмоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, 1-уйсозлик комбинати қурувчиларини олиб кўрайлик. Бинокорлар шу яқин кунлар ичида генерал Узоқов кўчасида бирваракайига бир нечта уйларни фойдаланишга топширдилар. Комбинат қурувчилари Тахтапул мавзесида ҳам кенг кўламда қурилиш ишларини олиб боришди. Гапнинг индаллосини айтганда мавзеда 15 минг 234 квадрат метр турар жой биноларига 210 та эскишаҳарликлар кўчиб киришди. Ҳозирда комбинат қурувчилари даҳада 4 ва 8-уй деб номланган бино ҳамда озиқ-овқат дўкони қурилишида ишлашмоқда. Улар бу қурилиш нуқталарини мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги тўйига эскишаҳарликларга совға қилишмоқчи.

Ҳозирги кунгача «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси қурувчилари эскишаҳарликлар учун мингдан ортиқ уй-жойни қуриб битказишди. Мустақиллик кунигача ана шу уйларга хонадон эгаларининг юз фоизи кўчиб кириши кутилмоқда.

**— Айтмоқчи, баъзи маълумотларга қараганда эскишаҳарликлар учун яна қўшимча турар жой бинолари қурилиши кўзда тутилмоқда экан. Шу ростми?**

— Рост. Чунки биз илгариги режада бу ердаги ҳовлида бир нечта оилалар яшаяпти ҳамда уларнинг баъзи бирларининг қайд қилинмаганлигини ҳисобга олмагандик. Шунинг учун уйлар қурилишининг иккинчи навбати режасини тузиб чиқдик. Унга асосан яна 1 минг 32 та хонадон қурилиши кўзда тутилмоқда. Уларнинг умумий сатҳи 73 минг 301 квадрат метрни ташкил этиши керак. Уйлар Тахтапул, генерал Узоқов, Бобур, Чилонзор-30 мавзелари ҳамда Паркент йўли, Беруний, Ниёзов, Самарқанд дарбоза кўчаларида бунёд этилиши кўзда тутилмоқда.

Суҳбатдош
Ғулом ЮСУПОВ.

***Маълумки, юртимизнинг мустақилликка эришган куни тантаналарининг энг асосийсини пойтахтнинг Мустақиллик майдонида ўтказиш ажойиб анъанага айланган. Бу йил ҳам истиқлолнинг тўрт йиллиги байрами шу ерда ўтказилиши мўлжалланган. Айни пайтда бу ерда улкан томошагоҳ қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Биз ана шу қурилиш майдонида бўлиб, бунёдкорларнинг олиб бораётган ишлари билан яқиндан танишдик.***



*Суратли лавҳа*

## ТАНТАНАЛАР МАРКАЗИ

Қурувчиларнинг бири пайвандлаш ишлари билан машғул бўлса, иккинчиси тахталарни қирқиб, рандалаб, ўриндиқлар учун мослаяпти. Учинчи ишчи эса тайёр ўриндиқларни жой-жойига тикламоқда. Хуллас, ҳамма иш билан банд.

— Мен «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясига қарашли 12-трестнинг 2-механизациялашган кўчма колоннаси ишбошисиман, — деди ўзини таништириб Эркин Тўрабоев. — Ўтган йили ҳам бу бош томошагоҳни қурувчиларимиз тиклашган эди. Бу йил ҳам мазкур ишни бизга ишониб топширишди. Ишни шу йил биринчи июндан бошлагандик. Бош пудратчи сифатида биздан ҳозир 43 та қурувчи ишлаяпти.

Биздан ташқари бу ерда юқоридаги трестга қарашли бир нечта қурилиш бошқармалари ишчилари ҳам меҳнат қилишмоқда. Уларнинг ҳар бирининг ўзига яраша вазифалари бор. Масалан 20-қурилиш бошқармаси қурувчилари нуқтада дурадгорлик ишларини амалга оширишаяпти. 50-қурилиш бошқармаси тиклаш ишларини бажармоқда. 52-қурилиш бошқармасидагилар ҳам дурадгорлик ҳамда бўёқчилик вазифаларини адо этишмоқда. Бир сўз билан айтганда, томошагоҳда ҳамма ўз ишини билиб қилмоқда.

Томошагоҳ 10 минг кишига мўлжалланиб бунёд этилмоқда. Бунинг учун Ўзбекистон Миллий боғидан бир нечта ўриндиқларни олиб келдик. Ундан кейин ўтган йилги ўриндиқларни ҳам ишлатаяпмиз. Бу эса ўз навбатида ўриндиқ ва бошқа жойларга ишлатадиган 400 куб метр тахта ҳамда бошқа қурилиш материалларини тежаб қолиш имконини берди.

Бу йил ўтган йилга қараганда томошагоҳ ўзгача бўлади. Мисол учун саҳнани ёритувчи чироқлар турадиган жойларнинг сонини 8 тага етказдик. Уларнинг жойи ҳам бирмунча ўзгарди. Бундан ташқари бу йил дорбозларнинг чиқиши кутилмоқда. Улар учун қўшимча шарт-шароитларни яратиб қўйишимиз керак.

Ишнинг икки сменада ташкил қилинганлиги ҳамда қурувчиларимизнинг сидқидилдан меҳнат қилаётганлиги сабаб шу кунгача умумий иш ҳажмининг 70-80 фоизи бажариб қўйилди. Бунда тажрибали ишчиларимизнинг ҳиссалари катта бўлаётир. Дурадгор Эркин Ҳайдаров, тикловчилар Владимир Чернов ҳамда Альфред Файзулин ва бошқалар шулар жумласидандир.

— Ўтган йили Мустақиллик куни байрамини шу ерда ўтказган эдим, — дейди ўзини Мурод Ҳолиёров деб таништирган киши. — Ўшанда ҳам қурувчиларимиз мазкур томошагоҳни жуда чиройли қилиб қуриб беришганди. Ҳозир ҳам кўчадан ўтиб кетаётиб қурувчиларнинг ишлаётганини кўриб беҳад қувондим. Улар бу йил ҳам Мустақиллигимизнинг тўрт йиллигига аталган энг катта томошагоҳни юқори сифатда бажаришларига ишончим комил.

Ғайрат ЮНУСОВ.



*СУРАТЛАРДА: шаҳримизнинг Мустақиллик майдонида шу кунларда қилинаётган бунёдкорлик ишларидан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

## ДАҚИҚАЛАР ҚАДРИ

Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи ёнида бунёд этилаётган ишлар билан танишиш мақсадида қурувчилар билан суҳбатда бўлдик. Бу ерда иш уч сменада ташкил этилган. Қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Турнақатор бўлиб келаётган бетон, шағал, тупроқ ортган машиналарнинг тинимсиз овози ва ҳаракати бир зум туриб қолишга йўл қўймайди.

— Ҳар бир дақиқа биз учун ғанимат бўлиб турибди, — дейди суҳбатдошимиз «Ўзсувқурилиш» давлат концернининг раис муовини Мурод Пўлатов. — Бу ҳовузнинг қурилишида республикамиздаги барча шу соҳа мутасаддилари ва мутахассислари ташриф буюришган. Ҳовузни мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги нишонланадиган кунга қадар фойдаланишга топширамиз...

Ҳозир бу қурилиш жараёнида 460 нафардан зиёд ишчи ишлаяпти. Улар «Туямўйинсувқурилиш» трестидан, «Мирзачўлсувқурилиш» бирлашмасидан, «Жиззахчўлсувқурилиш» трестидан, Бекободдан, «Тошсувқурилиш» трестидан, шаҳардаги йирик автотранспорт ташкилотларидан келиб, эртаю-кеч меҳнат қилишмоқда. Замонавий техникалардан 52 та машина, 9 та экскаватор, 4 та автоскрипа, 7 та автокран, 6 та бетон қорадиган машина, 2 та грейдер ва бошқа механизмлар оғиримизни енгил қилмоқда. Бир кунда 200 кубометр бетон қуйилиб, ишлар тобора ниҳоясига етиб бораётир. Иш бошлангандан буён 4,5 минг кубометр бетон ётқиздик. Яна 1178 кубометр бетон ётқизиш зиммамизда турибди. Тез кунлар ичида шу ишларни бажариб бўлсак, ҳовуз тиниқ ва тоза сувга тўлдирилади.

Биз «Туямўйинсувқурилиш» трестига қарашли 1-қурилиш-тиклаш бошқармасининг бригадири Улуғбек Рўземетов, шу бошқарма ишчилари Рўзимат Ражабов, Аҳмед Искандаров, «Мирзачўлсувқурилиш» бирлашмасидан Нурмуҳаммад Облоқулов, Володя Устинов, 29-кўчма механизациялашган колоннанинг Ниғматилла Саидқулов бригадаси, экскаваторчилардан Анвар Мирзараҳмедов, Рўзивой Эргашев, Александр Ковалев, моҳир бетончилардан Александр Богданов, Сергей Солдаткинларнинг ҳовуз қурилишидаги ишига тасаннолар айтамиз.

Дарҳақиқат, шижоатли қурувчилар ғайрати билан Миллий боғимиз ёнида бунёд бўлаётган ҳовуз яқин кунлар ичида фойдаланишга топширилади. Бу ҳовуз шаҳримиз жилосига янада кўрк бўлиб қўшилади.

Гулзода МАМБЕТОВА.

*Эски шаҳар ёшаради*

## ҚУВОНЧГА ТЎЛГАН ДИЛЛАР



**Шу кеча-кундузда пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида олиб борилаётган йирик бунёдкорлик ишлари ҳамманинг диққат эътиборида турибди. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг шу йилнинг июнь ойида Эски шаҳарнинг қайта қурилаётган қисмида бўлиб, у ердаги тиклаш ишлари билан яқиндан танишганлиги, аҳоли билан суҳбатлашиб, улар фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Чиндан ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмини қайта қуриш ва обод қилиш тўғрисида»ги қароридан сўнг Сағбон, Қорасарой, Форобий, Чимбой, Бобожонов кўчаларида қурилиш ишлари бошланиб, ҳозиргача бу ерда кенг ҳажмдаги тиклаш ишлари бажариб қўйилди. Бу масъулиятли юмушларни амалга оширишда «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси, «Тошкентмуҳандисқурилиш» трестлари хизматчиларининг муносиб улушлари бор. Эскишаҳарликларни уй-жой билан таъминлашда 1-уйсозлик комбинати қурувчилари ҳам астойдил тер тўкишмоқда. Комбинат бунёдкорлари яқин фурсат ичида генерал Узоқов кўчасида бир варакайига учта уйни фойдаланишга топширишди. Уларнинг умумий сатҳи 4 минг 970 квадрат метрни ташкил этади. Ҳозир бу ерда 80 оила ҳовли тўйларини нишонлашмоқда.**

**Қуйида биз ана шу қурилишда иштирок этган қурувчи ва янги уйларга кўчиб кирган оилаларнинг дил сўзларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.**

**Шамсиддин ЗОКИРОВ, қурувчи:**

— Уюшқоқлик билан бошланган ишнинг самараси ҳамиша яхши бўлади. Бугунги кунгача амалга оширган юмушларимиз бунинг исботидир. Қад ростлаётган уйларга кўчиб кираётган хонадон соҳибларининг қувончию ҳовли тўйларини ўтказаётган оилаларда янграётган карнай-сурнай садолари биз бунёдкорларнинг ғайратимизга ғайрат қўшмоқда.

Эски шаҳарни қайта қуриш ва таъмирлаш ишлари айни кунда долзарб саналади. Шундай масъулиятли вазифага бел боғлаб унда қатнашаётганимиздан, шунингдек касб байрамимизнинг қўшалоқ шодиёналар билан кутиб олаётганимиздан беҳисоб мамнунмиз.

Генерал Узоқов кўчасидаги қурилиш ишларининг асосий қисмини жамоамиз аъзолари бажаришяпти. Бу ердаги уйларнинг ҳар бири беш қаватли бўлиб, улар бошқа шундай лойиҳадаги уйлардан қисман фарқ қилади. Хоналарнинг тез ва сифатли қад ростлашида махсус тузилган бешта бригадамиз қурувчиларининг ҳиссаси катта бўляпти. Айниқса тикловчилардан Турғун Ҳасанов, Виктор Лисаускас, пайвандчилардан Эргаш Мавлонқулов, Тоҳир Муҳаммаджоновларнинг номини бугунги кунда ифтихор билан тилга олгинг келади. Фурсатдан фойдаланиб, барча касбдошларимизни яқинлашиб келаётган Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг тўрт йиллик байрами билан табриклайман.

**Расима ЙЎЛДОШЕВА, кўп болали она:**

— Бизга шундай баҳаво уйларни қуриб беришда ғамхўрлик кўрсатган ҳукуматимизга минг раҳмат. Оиламиз билан Сағбон кўчасидаги 287-«а» уйда истиқомат қилардик. Биз яшаётган хоналар тор ва зах эди. Ночор аҳволда турардик. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Эски шаҳарни қайта қуриш хусусидаги қарорини хушнудлик билан кутиб олдик.

Мана ҳозир оиламиз генерал Узоқов кўчасида бунёд этилган 6-уйнинг 14-хонадонида истиқомат қилмоқда. Бизга берилган тўрт хонали уй ёруғ ва озода. Хоналарнинг сифатидан ҳам кўнглимиз тўлиқ. Шундай қувончли кунларда бизга ҳамма қулайликларни яратиб берган бунёдкорлар меҳнатига ҳар қанча тасаннолар айтсак камлик қилади.

**Қўчқор ЗОКИРОВ, ишчи:**

— Қани уйга, марҳамат. Бир пиёла чой устида суҳбатлашайлик, ука. Янги уйдан хурсандмисиз, дейсизми? Бўлмасачи. Агар билсангиз Форобий кўчасида уч ака-ука оиламиз билан тор ҳовлида зўр-базўр яшардик. Мана ҳозир алоҳида-алоҳида хоналарда истиқомат қиляпмиз. Кичик укамиз ўз хоҳиши билан ер участкаси олиб чиқиб кетди. Ўртанча укам ва мен 6-уйнинг 7 ва 8-хонадонларида ёнма-ён яшаяпмиз. Қўшниларимиз ҳам ўзимизга ўхшаш оддий одамлар. Қолаверса уларнинг кўпчилиги билан бир маҳаллада яшаганмиз. Балки шундандир ҳаммамиз тез тил топишиб кетдик. Бир нечта уйлар бирлашиб маҳалла тузиб, теварак-атрофни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишларини бошлаб юбордик. Биринчи навбатда қувончли кунлар учун тўйхона қуриш ниятимиз бор.

**Бугун 1-уйсозлик комбинати қурувчиларидан яна бир хушхабар олдик. Унда бунёдкорлар Тахтапул мавзесида қад кўтараётган 9 та уйда пардозлаш ишларини ҳам ниҳоясига етказганлиги ҳақида хабар қилишганди. «Бу бизнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг тўрт йиллигига муносиб совғамиздир». дейишмоқда комбинат бинокорлари.**

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

## Бугунги кун нафаси

### МАМЛАКАТИМИЗДА

❑ Олий Мажлис раиси Эркин Халилов мамлакатимизга ташриф буюрган Швейцариянинг ташқи ишлар бўйича федерал департаменти раҳбари Флавио Котти билан учрашди. Юқори мартабали меҳмон билан Бош вазир Абдулҳошим Муталов ҳам учрашди.

❑ Флавио Котти Самарқандни ҳам зиёрат қилиб, Бишкекка йўл олди.

❑ Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Успенский номидаги республика махсус мусиқа мактаб-интернатининг 5-синф ўқувчиси Даниил Холиқов ва Фарғона вилоятидаги 25-мусиқа мактабининг 3-синф ўқувчиси Лазиз Зокировга таъсис этилган Президент стипендиясини топшириш маросими бўлиб ўтди.

❑ Бугун Тошкентга Халқаро Қизил Хоч делегацияси келади. Бу халқаро ташкилот Оролбўйи минтақаси аҳолисига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ниятида мамлакатимизга келмоқда.

❑ «Наврўз» хайрия жамғармаси конференциясида унинг низомига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. «Наврўз» бундан буён халқаро ташкилот мақомини олади. Шунингдек, унинг ҳомийлигида Марказий Осиёда биринчи «Саховат» уйини очиш мўлжалланган.

❑ Қаршида Қашқадарё вилояти тадбиркорларининг қурултойи бўлиб ўтди.

❑ Кеча Бухорога «Манас» қирғиз эпосининг 1000 йиллигига бағишлаб Марказий Осиё мамлакатлари чавандозлари ўтказаётган от пойгаси қатнашчилари келдилар. Ашхободда бошланган, тарихда илк бор ўтказилаётган бу от пойгаси қатнашчилари Буюк ипак йўли бўйлаб 1600 километр йўл босиб, Қирғизистоннинг Талас шаҳрида пойгага якун ясайдилар.

❑ Андижонда давлат мулк қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармасининг «Ҳиссадор» газетаси биринчи сони чиқди.

❑ «Ўзбексавдо» ва «Ўзбекбирлашув» республикада ташкил этилган мактаб бозорларида ўқувчилар формалари ва ўқув анжомлари нархини ўртача 30 фоизга арзонлаштирдилар.

❑ Бугундан 1 АҚШ долларининг сотиб олиш ва сотиш тижорат қиймати 31 сўм 40 тийин бўлди.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

❑ Россия Президенти Борис Ельцин Москвада Сербия Президенти Слободан Милошевич билан музокаралар ўтказганидан сўнг жаҳоннинг етакчи давлатлари ҳамда Югославия, Хорватия, Босния ва Герцеговина раҳбарлари ўртасидаги учрашувни ташкил этишда воситачилик қилишни таклиф қилди.

❑ Чеченистондаги вазият тобора кескинлашиб бормоқда. Жоҳар Дудаевнинг қуролли бўлинмалари тоғлардан тушиб, Россия федерал қўшинларига қарши жанговар ҳаракатларни бошлаб юборишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

❑ Бугун Ашхободда Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ва Россия Бош вазирининг ўринбосари Алексей Большаков ўртасида ўзаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказилади.

❑ Бугун Душанбеда Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов бу ерга келган Эрон ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий мухолифатчилар билан музокараларнинг бешинчи босқичини ўтказиш хусусида фикр айирбошлашади.

❑ Қозоғистонда буюк оқин Абай Қўнонбоев таваллудининг 150 йиллигига бағишланган тантаналар бошланди. Уларда кўпгина мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари ҳам иштирок этмоқдалар.

❑ Грузияда эндиликда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш пуллик бўлди.

❑ Россияда 1989 йилдан буён рублнинг қадри 9 минг баробарга арзонлашди.

### ХОРИЖДА

❑ Исломободда Покистон Президенти Фарруҳ Аҳмад Хон Легарий Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқитувчиси, марҳум Раҳмонберди Муҳаммаджоновнинг қизи Сайёра Муҳаммаджоновага Покистоннинг «Шарафли меҳнати учун» нишонини топширди. Раҳмонберди Муҳаммаджонов бу юксак мукофотга урдушуносликни, шунингдек Ўзбекистон билан Покистон халқлари ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун сазовор бўлган эди.

❑ Шу йил март ойида Кобулдан мухолифатчилар суриб чиқарилгандан кейин биринчи марта Афғонистон пойтахтига ракета зарбаси берилди. «Толибон» толиб ёшлар ҳаракати эгаллаган жойлардан берилган бу ракета зарбаси оқибатида 11 киши ҳалок бўлди, 31 киши жароҳатланди.

❑ Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош ассамблеяси Хорватиядан унинг қўшинлари эгаллаган Серб Краинаси ҳудудларида тинч аҳолига нисбатан зўравонлик қилмасликни талаб этди.

❑ Исроилда янги террорчилик ҳаракатларининг олдини олиш мақсадида якшанба кунигача мамлакатга фаластинликларнинг кириши таъқиқлаб қўйилди.

*Икки дил достони*

# УМРНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

«Умр бебақо, бойлик бевафо», деган экан машойихлардан бири. Бу ҳикматли нақлни ҳар ким ҳар хил талқин қилади. Биров «беш кунлик умрда ўйнаб кул»ишни ўзига шиор қилиб олади. Яна биров бевафо бойликни тўкин давраларга сарфлаб, маишатга берилади. Аслида шундаймикин? Бевафо умр шунда вафодор бўлармикин? Бойлик абадий бизни тарк этмасмикин?

Қачонки қўша қариган оилалар зиёратига бораётганимда шу ўйлар хаёлимдан кечади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, моҳир созанда ва бастакор Салоҳиддин Тўхтасиновнинг эшиги қўнғироғига қўл чўзганимда, юрагимда яна ўша саволлар уйғонган эди.

— Марҳамат қилинг, — деди эшикни очиб Салоҳиддин аканинг рафиқаси Райҳон Тўраева. — Нечун киравермай турибсиз, эшик очиқ эди-ку.

Уй андак бесаранжом эди. Райҳон опа изоҳ берди:

— Бобомиз Тўхтасин Жалиловнинг 100 йиллигига тайёргарлик, — сўнг яна ичкарига таклиф этди. — Салоҳиддин акангиз ичкари уйдалар.

Салоҳиддин ака одатдагидек мусиқа эшитиш билан банд эканлар. Мени кўриб юзларига табассум ёйилди.

— Дадам раҳматли яратган мусиқаларни тинглаётган эдим. Қаранг-а, ҳали ҳам кишини ўзига ром этади.

Салоҳиддин ака қалби очиқ, сўзамол инсонлардан. Дастурхон тузаётган Райҳон опага сўз қотдим:

— Неча йилдан бери биргасизлар?

— Қирқ беш йил бўлди. Нима эди? — ҳайрон бўлди Райҳон опа.

— Сир бўлмаса қандай қилиб танишгансизлар, айтиб берсангизлар...

— Ёшликка саёҳат экан-да, — жилмайди Салоҳиддин ака.

Билиб турибман бу илтимосим кул босган олис йиллардаги хотира учқунларини яна чўғлантиради.

— Бухорода эди Райҳон, — гап бошлади Салоҳиддин ака. — Мен бўлсам Муқимий театрида ишлардим. Акам Холхўжа Тўхтасинов бош дирижёр эдилар. Опам Эътибор Жалилова етакчи артист эдилар. Мен ҳам театрда созанда-ғижжакчи бўлиб ишлардим.

— Ўзим айтай, — деди Райҳон опа, — бу киши билан ҳаётда учрашаман деб ўйлабмидим. Бу гап етти ухлаб тушимга кирмаган...

— Ия, — деди Салоҳиддин ака, — бирга яшаб ёмон бўлдикми?

— Вой, унақа тескари тушунманг, уста, — деди Райҳон опа, — ўзи сиз билан учрашиш хаёлимда йўқ эди демоқчийдим...

— Қандай қилиб тушингизга кираман, мен Тошкентда бўлсам, сиз Бухорода бўлсангиз...

— Шундай қилиб, — давом этди Райҳон опа, — Мен Бухорода, театрда ишлаб юрардим. 1948 йилда Тошсовет номли театр Муқимий номли мусиқали драма ва комедия театри билан бирлаштирилди. Салоҳиддин акам боя ўзлари айтганларидек шу театрда ишлардилар. 1949 йилда театр қошида ашула ва рақс дастаси тузилди. Фозилжон Харротов, Аюб Қодиров каби ажойиб инсонлар бор эди бу дастада. Мени ҳам дастага таклиф этишди. Хурихон Сафарова, Раҳима Ҳакимовалар билан бирга лапарчилик қилардим. Салоҳиддин акам билан ўша ерда танишганмиз.

— Изҳори дил бўлганми? — сўрадим ҳазил аралаш.

— Э, йўқ, — Райҳон опа бош чайқади, — Гавҳар опа Раҳимова менинг онам Истатхон ая, опам Давронхон билан жуда яхши таниш эди. Мен бехабар жуда ҳамма ишни пиширишиб қўйишган экан. 1950 йилда тўйимиз бўлган.

— Унгача Салоҳиддин ака билан яхши таниш, ҳамкор бўлганмисизлар...

— Энди сиз жим туринг, менинг галим келди, — деди Салоҳиддин ака, — таниш эдик... Мен Райҳон ижро этиши учун «Кабутар» деган қўшиқ ёзиб, ўргатганман.

— Энди ўшанда кўз остига олиб қўйган экансиз-да?

— Райҳон опангиз жуда ёқимтой эди-да...

— Ана айтмадимми! — хитоб қилдим мен.

— Э, йўқ, сиз ўйлаяпсизки сой бўйларида оҳ чекишлару, аҳду паймонлар бўлган деб. Мутлақо! — Салоҳиддин ака кулди, — бунга вақтимиз ҳам бўлмаган. Лекин юракда сиз айтган учқун бор эди. Ўзиям Райҳон лапар айтганда барчани ром қиларди-да. «Дилбар» деган қўшиқни ижро этарди. Назаримда ўзи ҳақида ўзи қўшиқ айтаяптими дер эдим-да. Хуллас менинг Райҳон билан танишишимга дадам раҳматлик сабаб бўлганлар. У киши Райҳонни обдон кузатганлар... Кейин Гавҳар опани ишга солганлар чоғи...

— Кимга ўзи, десам хатто Салоҳиддин акангизнинг номини ҳам айтмай, Тўхтасин Жалиловнинг ўғли дейишган. Кейин кўрсам ўзим билган Салоҳиддин ака... Райҳон опа сўзга аралашди.

— Мени бир нарса қизиқтиради: иккаловингиз бир соҳанинг одамларисиз... Ижодий сафарлар дегандек...

— Жуда саволни ҳам киши билмас этиб берасиз-а... Билиб турибман, рашк, яна алламбалолар ҳақида сўрамоқчисиз... Рашк нима десам экан, ҳаммада бор. Агар уни жиловламасанг ловуллайверади. Гоҳида ойлаб бир-биримизни кўрмасдик...

— Айниқса, мен «Баҳор» рақс дастасига ишга ўтганимдан кейин, —қўшиб қўйди Салоҳиддин ака, — раққоса қизлар билан хориж сафарлари жуда кўп бўларди. Балки ичида сал-пал шубҳага берилгандир. Лекин сира ҳам сездирмаган Райҳон опангиз... Агар сездирса бунчалик тотув турмушга раҳна тушарди.

— Демак, аҳил-иноқ яшагансизлар...

— Албатта! Орамизда сан-манга борган кунимиз бўларди албатта. Райҳон опангиз ролини қиёмига етказолмаса, мен тузукроқ куй яратолмасам, чалолмасам... шу ғижиллашиб олардик...

Райҳон Тўраева шундан кейин Муқимий номли мусиқали театр саҳнасида яратган кўплаб образларини эслаб кетди. Салоҳиддин ака эса ажойиб куйлар, рақслар ҳақида сўзлади. Иккала санъат фидойиси назаримда яшариб кетгандек эди. Қирқ беш йилдан бери ҳаётнинг аччиқ-чучугини бирга тотиб, санъатимиз ривожига жондилдан камарбаста бўлиб яшаган икки қалб, икки бир-бирига таянч устун. Бугун бири-биридан ақлли ўғил-қизлар, келин-куёвларнинг ота-онаси, бир этак невараларнинг бобо-бувиси.

— Санъатдан нима топдинглар? — деб сўрадим.

— Санъатга нима топдим деб қараб бўлмайди, — бош чайқади Салоҳиддин ака, — санъатга нима бердим деб қараш жоиз... Мен санъатга умримни, юрагимни бердим, одамларнинг муҳаббатини топдим... Бир қанотим Райҳон опангизнинг муҳаббати бўлса, бир қанотим халқимнинг муҳаббати...

— Мен ҳам шу... — хаёлчан деди Райҳон опа, — бир-биримизни санъат боғлаган бўлса, умр бир-биримизга тоғдек таянч қилиб қўйди. Ўша «Ишқинг билан», «Муқимий», «Орзигул», «Тоҳир ва Зуҳра» каби ўнлаб томошаларда ижро этган ролларимни ҳали ҳам эслашади. Толибжон Содиқов номли шаҳар маданият уйи қошидаги «Нодирабегим» фольклор дастаси аъзолари интизорлик билан кутишади. Яна нима керак...

Хаёлимда ғужғон ўйнаган саволга жавоб топдим. «Умр бебақо, бойлик бевафо» эмас экан. Салоҳиддин ака билан Райҳон опа қирқ беш йил бирга ўтган умри мобайнида бебақо умрга бақо, яна боқийлик бахш этишди. Бойликлари эса бу санъатга фидойиликлари, халқ муҳаббати.

Бирга кечган умрни эса икки муҳаббат — одамларнинг муҳаббати ва юракларидаги муҳаббат ўз қанотида ардоқлаб турибди. Уларга қараб туриб шу қанотларингиз мустаҳкам бўлсин дегим келади.

Темур УБАЙДУЛЛО.



*СУРАТДА: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин Тўхтасинов умр йўлдоши Райҳон Тўраева билан қўшиқ оғушида.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Туйғулар*

# ШАБНАМ ИЗИ

Саҳар палласи бирам сокин, шукуҳли бўладики асти қўяверасиз. Ҳатто майсаларга оёқ босишга рағбат қилолмайсиз. Олам худди эзгуликка чўмилгану сачраган сув томчилари майсаларга қўнгандек.

Гиёҳларнинг япроқларида томчи-томчи шабнам сарин елда титраб турибди. Юрагингиз тошади-ю хаёлан сўрайсиз.

— Нега йиғлайсан, эй яшил майса?

— Қуёшни соғиндим.

Шу лаҳзада аллақайда чигиртка чириллашга тушади. Тонг қўшиғини айтаяпти гўё.

— Ҳозир тонг отади, — дейсиз гиёҳга тикилиб. — Қуёш жамолини кўрасан.

— Тезроқ,— дегандек бўлади у. Атрофга зардек нурлар санчилади. Бу Қуёшнинг элчилари. Сал ўтмай уфқ алвонланади. Сўнгра қуёшнинг оловдек иссиқ юзи кўринади.

Кўринади-ю олам жонлангандек бўлади.

Гиёҳдаги шабнамга қарайман. У нурларга илашиб парвоз этмоқчидек. Қуёш нурлари билан ўйнаша-ўйнаша йўқ бўлиб кетди. Назаримда майсалар минглаб митти қадаҳларда қуёшда оби ҳаёт тутишди.

Қуёш эса уларни бир хўплашда симиргандек.

Гиёҳга қарайман. Боягина кўз ёш томчисидек турган шабнамнинг ҳатто изи ҳам қолмаганди. Беғубор эди шундайлигича кетибди. Шу лаҳзада хаёлингдан бир ўй кечади: қани эди шабнамдек яшасанг. Пок, беғубор яшасанг. Ҳар маҳал эзгулик деган Қуёшга ошно бўлиб яшасанг.

Ғолиб МИРЗО.




*Ғазалхонлик*

## АЙРО ТУШСАМ

Умрим гули тамом сўлгай баҳор, куздин айро тушсам,
Орзуларим барбод бўлгай жоду кўздин айро тушсам.

Ишқ йўлидин мени бир бор қайтармангиз дўстлар зинҳор,
Ташналабмен, ҳароб ўлгум гар денгиздин айро тушсам.

Нола чекиб қўлда торим, кўкка етгай оҳу зорим,
Доғу ҳайронликда ўтгум ўшал қиздин айро тушсам.

Жудоликка бардош қани,,ўшал ёр-бағри тош қани?
Кўнглим уйин ёритгувчи ой фонусдин айро тушсам.

Ханжар уриб ёр кўксима, деди: «Хуш қол, қўй, ўксима»,
Нечун ўксимайин ҳардамки дилсўздин айро тушсам.

Ишқ шоҳига юз иқтидо, айлаб ошиқ Забиҳилло—
Дегай: «Ўлгумдур ул лаҳза ор-номусдин айро тушсам».

## СИРЛИ СЎЗ

Висолинг, билурмисан, ошиғингга ризқ-рўз,
Мени ўртар шаби ҳижрон, қайдасан эй қора кўз?

Қора кўзинг шуъласидин рўзғорим қорадур,
Қорадур бор хонумоним ўртаниб ёнгай ҳануз.

Қўйлагинг-у рўймолинг жилвасидин қон дилим,
Кошки келсанг даргоҳимга солланиб мисли товус.

Лайлатулқадр кеча васлинг тилаб қилдим дуо,
Кўкка етди нолаи дил, етмас сенга, қалбингми муз?

Дилбарим, жоним фидо, ўлдир ризомен-ҳукми ишқ,
Илло, айт тиргизгали Забиҳиллога сирли сўз.

Забиҳилло НУРУЛЛО.

*Китоб жавонингизга*

## АЖИБ ХОТИРАЛАР




«Ёзувчи» нашриёти Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти совриндори Ҳаким Назирнинг «Ёдимдасиз, азизларим» китобини чоп этди. Китоб хатбошисида муаллиф ёзганидек «Мен ўша улуғ зотлар сиймоси қошида ўзимни ҳамишалик қарздордек ҳис этаман. Раҳматли қаламкаш дўстлар ҳақидаги хотираларимни дастлаб устозлардан бошладим». Хотиралар орқали ажойиб адибларимиз Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, мавлоно Ойбек, муҳтарам бастакор Юнус Ражабий, ғазалхон Ҳабибий, оташзабон Ғафур Ғулом, Собир Абдулла ва бошқаларнинг ёрқин сиймосини яна бир бор кўз олдимизга келтирамиз. Барча бадиалар ширали тил, эҳтирос билан ёзилганки, ўқувчилар уларни мириқиб ўқийдилар.

## БОЛАЛИК ҚИССАЛАРИ




«Чўлпон» нашриёти ҳам отахон ёзувчимиз Ҳаким Назирнинг «Оқ фотиҳа» деб номланган қиссалар тўпламини нашрдан чиқарди. Китобдан адибнинг «Оқ фотиҳа», «Дадамни топиб беринглар» қиссалари ва «Сарвар билан Жавлон» ҳикояси ўрин олган. Биринчи қисса бевосита ёзувчининг болалик хотиралари, саргузаштлари, кўрган-кечирганларидан ҳикоя қилади. Асарни ўқир эканмиз кўз ўнгимизда урушдан аввалги шаҳримизнинг манзаралари, оқ кўнгил одамлари намоён бўлиб боради. Адиб ўтган замондошларимизнинг қиёфасини муҳаббат билан чизади. Иккинчи қиссада эса «Пахта иши» билан боғлиқ воқеалар ҳақида сўз юритилади. Унинг қаҳрамони Фотима ўз дадасининг гуноҳсиз эканлигига ишонади. Уни бор вужуди билан ҳимоя қилишга интилади. Охирида ҳақиқат жойига қарор топади.

## «МУҲАББАТ ШЕВАСИ»




Жўшқин шоир Маҳмуд Тоировнинг сўнгги йилларда ёзган шеърларидан ташкил топган китоби шундай деб аталади. Мажмуа уч бўлимдан иборат. «Истиқлол кўзлардан тўкилган алёр» бўлимида шоирнинг фалсафий дунёқарашлари сатрларга муҳрланган бўлса, «Муҳаббат боғида битган қўшиғим» бўлимида асрий ишқ қалбга солган қувонч ва изтироблари ёниқ мисраларда куйланади. Учинчи бўлим «Кимга ёлвораман ё Расулуллоҳ» деб номланади. Кўриниб турибдики, шоир дунёвий мавзуларда ҳам қалам тебратиб, ажойиб сатрлар битади одамларни эзгуликка, яхшилик қилишга чорлайди.

Темур ТИЛЛАЕВ.

*Ҳайвонот оламида*

## ДУШМАНИ — ЎЗ ҚАРИНДОШИ

Табиат кўп минг йиллар давомида шундай жониворларни яратдики, улар ўзларининг нишлари билан биринчи уринишдаёқ ўз ўлжаларининг асаб тугунчаларини аниқ мўлжалга олиб шикастлайдилар ва уларни шол қилиб қўядилар. Масалан, ер қазийдиган Аммофила сабулеза деган ари пашша, чивин ва асалари кабиларга учиб кетаётган йўлида заҳар солиб уларнинг асаб тугунчаларини ишдан чиқаради. Шундан сўнг ари шол бўлиб қолган ўлжасини кўтарганича илгаридан тайёрлаб қўйган чуқурчага тушириб унинг устига икки тухум қўяди, сўнг тупроқ билан кўмади. Ўлжа устига қўйилган тухумдан ғумбаклар пайдо бўлгач уларнинг вояга етиши учун ўша ернинг ўзида озуқа ҳам етарли бўлади.

Филантус триангулуя деган ари ҳам худди юқоридагидек усулда ов қилади. У асаларини ушлашга жуда ҳам мослашганлиги учун унга «Асалари бўриси» деб ном қўйилган. Ари асаларининг миясига заҳар солгач у тез орада ҳалок бўлади. Шундан сўнг асаларининг қорнини ёриб, ундаги асални ейди. Қизиғи шундаки, ейилган асал йиртқич ари ғумбагига заҳар каби таъсир этиб уни ҳалок қилади.

Асалариларнинг ўз душманига қарши кураш йўллари ҳам бор. Яқинлашиб келаётган қовоғарини сезиб қолган асалариларнинг 200-300 дан иборат галаси қовоғарини тезликда ўраб олади. Ана шундай доира ичидаги ҳавонинг ҳарорати тўрт дақиқа ичида 46 даражага кўтарилади ва бундай ҳарорат 20 дақиқагача сақланиб туради. Иссиқ ҳаво ҳалқасида қолган қовоғари оқибат натижада ҳалок бўлади. Демак, қовоғари кўпчилик ўйлагандек, асалариларнинг чақишидан эмас, балки юқори ҳарорат таъсирида нобуд бўлади. Асалариларнинг ўзи эса бундай иссиқ ҳаводан таъсирланмайди.

## ҒАРОЙИБ ИТБАЛИҚЛАР

Қурбақа итбалиқлари орасида тез ривожланадиган йирик турлари ва секин ўсадиган майда турлари учрайди. Лаборатория шароитида тез ўсаётган итбалиқлар яшаб турган сув секин ривожланаётган бақа личинкалари идишига қуйилганда бундай сув личинкалар ўсишини тўхтатиб қўйган. Баъзан эса уларнинг нобуд бўлишига олиб келган. Бунинг сабаби шундаки, балиқлар яшайдиган сувда модда алмашинуви натижасида ҳосил бўлган чиқинди маҳсулотлар ёшроқ итбалиқлар ўсишини тўхтатиб қўяр экан. Борди-ю ёш итбалиқлар яшаб турган сувни ёши каттароқ бақа болалари идишига қуйилса аксинча натижа кузатилади. Яъни ёши катта итбалиқларнинг ўсиши янада жадаллашади. Бошқача қилиб айтганда итбалиқлар яшаб турган сув ёшроқ бақа болалари учун ўсишини тўхтатиш ҳақида сигнал бўлиб хизмат қилар экан.

Шу нарса аниқланганки, итбалиқларнинг орқа оёғи тўла ривожланиб ўз вазифасини бажара бошлаши унинг олд оёқлари ривожланиши учун сигнал бўлиб хизмат қилади. Бақанинг қариндоши бўлмиш тритонда эса ҳаммаси аксинча — биринчи бўлиб олд оёқлари ривожланади, бу жараён тугагач унинг орқа оёқларининг ривожланиши бошланади.

Балиқлар, моллюскалар ва ҳашаротлар устида олиб борилган кузатишларда ҳам худди шунга ўхшаш хулосалар олинган. Бордию модда алмашинуви натижасида ҳосил бўладиган маҳсулотларнинг таркиби аниқланса эди, яъни жонивор ўсишини тезлатадиган ёки бўғиб қўядиган моддаларнинг кимёвий таркиби топилса эди, унда барча ҳайвон турлари сонини идора қилиш имкони яратилган бўлур эди.

Яҳё ДАВЛАТОВ,
биология фанлари доктори.

*Хоҳ ишонинг, хоҳ...*

## АНЪАНА БУЗИЛДИ

Франциянинг буюк арбобларининг ҳоки қўйилган Пантеоннинг пештоқида: «Буюк ўғлонларга — миннатдор Ватандан» деган ёзувлар бор. Яқиндан эътиборан бу ёзув ўзининг мазмунини бир қадар йўқотди. Бунинг маълум сабаблари бор, албатта. Франция Президенти, Бош вазири, қўшни давлатлар раҳбарлари иштирокида икки марта Нобель мукофоти соҳибаси Мария Кюри ва Пьер Кюриларнинг ҳокини Пантеонга қўйиш маросими бўлиб ўтди. Пантеондан мангу хобгоҳ топган Вольтер, Жан Жак Руссо, Виктор Гюголар қаторида асримизнинг энг буюк кимёгарлари ҳам жой олишди.

«Пантеонга аёл кишини қўямизми, йўқми» деган мавзуда асримизнинг бошидан бери чўзилиб келаётган баҳс ниҳоят ана шундай тугалланди. Бу борадаги энг катта мунозара 1989 йилда бўлиб ўтганди. Шу йили буюк француз инқилобининг 200 йиллиги муносабати билан тарихчи олима Катерина Моран-Фукс Пантеонга машҳур инқилобчи аёл Олимпия де Гужнинг ҳокини қўйишни таклиф қилган эди. Лекин бу таклиф кўпчилик томонидан орқага сурилганди. Бу йил эса масала Мария Кюрининг фойдасига ҳал бўлди. Эр-хотин Кюрилар илмда инқилоб ясаган чинакам буюк олимлар эди. Бунинг устига кўп йиллар бирга яшаган эр-хотиннинг Пантеонга ҳам бирга кириб бориши адолатли иш бўлди. Яна бир гап: Мария Кюрининг фандаги жасоратини унча-бунча эркак бажара олмайди.

## БЕЧОРА ҚУШЛАР

Африка қитъасида жойлашган Кения давлатининг жануби-шарқидаги Малинда шаҳри фуқароси бир ўтиришда 15 та қушни ейишга мажбур бўлди. Еганда ҳам хомлигича еди. Агар табиатни муҳофаза қилиш хизмати ходимлари уни муваффақиятли ов устида қўлга туширишмаганда бундай бўлмасди...

Ўрмон қўриқчилари шаҳар атрофида одатий назоратни ўтказарди. Сўқмоқлардан бирида уларга ўрта яшар эркак дуч келди. Бемалол қўшиқ айтиб келаётган бу овчининг қўлида бир талай ёввойи қушлар бор эди.

Қўриқчилар қонунбузарга шундай таклиф қилишди: ё ҳибсга олинасан, ё қушларни бизнинг кўзимизнинг олдида йўқ қиласан. Овчи каттакон тошга ўрнашиб олиб, навбати билан қушларнинг патини юлди ва бемалол лиққа-лиққа ютиб қўяқолди. Шундан кейин у хотиржам ўрнидан туриб, йўлига равона бўлди. Қўриқчиларнинг ҳайратини бир кўрсангиз эди!

## ДЕНГИЗ ТУБИГА

«Кавлайверсанг бир нима топасан». Бу Миср археологларининг муқаддас сўзларидир. Улар Мисрнинг ва унга яқин сувларнинг остидан икки юз йилдан бери қидириш ва қазиш ишлари олиб борадилар. Лекин ҳали арзигулик бирон ўлжа қўлга киритмагандилар.

Ўтган йил кузидан бошлаб Искандария бандаргоҳида 20 француз ва 10 Миср сув остига шўнғувчилари жиддий ишга киришдилар. Бунга Бирлашган Миср Республикасининг қадимий ёдгорликларни сақлаш ташкилоти чиқарган қарор туртки бўлди. Ташкилотнинг кўзда тутган мақсади Мамлуклар қалъаси ва оламнинг етти мўъжизасидан бири бўлган Искандария (Фарос) маёғини сақлаб қолиш эди.

Шўнғувчилар сув остида кутилмаган нарсаларга дуч келдилар. Улар 6-8 метр жойда ҳайкаллар, ҳатто сфинкслар, ибодатхоналарнинг устунлари, 70 тонна келадиган, улкан гранит блокларни топдилар. Улар Фарос маёғининг бўлаклари эканлиги шундоққина кўриниб турарди. Топилдиқларнинг баъзилари қуруқликка тортиб олинди. Қимматбаҳо топилдиқлар музейларга топширилади.

Ғаввослар эса жон-жаҳдлари билан ишни давом эттирдилар. Улар 3-4 ой ичида Искандария шаҳри атрофларини синчиклаб кўздан кечиришлари керак. Чунки шунча муддат ўтиб шаҳарни сақлаб қолиш учун сув остида таъмирлаш ишлари бошланади.

Тоҳир МАҲКАМОВ тайёрлади.

*Бу — қизиқ*

## ЖАҲОН ПАЗАНДАЛИГИНИНГ АКАДЕМИГИ

Сирасини олганда бундай кутубхона биронта мамлакатда йўқ. Гап шахсий кутубхона устида боряпти. Лекин франциялик Шарл Шремлига қойил қолмай илож йўқ. У умрининг ҳаммасини пазандаликка бағишлабгина қолмасдан, ўзи ҳам ошпазликка оид 12 та катта ҳажмдаги китоблар ёзган. Асли касби қандолатчи бўлган бу одам Цюрих шаҳридаги «Цум шмиден» қаҳвахонасида ишлайди. Шахсий кутубхонасида эса пазандаликка оид 3000 дан ортиқ китоб сақланади.

Шарл Шремли ўзи ижод этган таомларга шоирона номлар қўйишга ҳам уста. У яратган пишириқлар орасида «Нилуфар гултожи» номли печеньеси жуда машҳур ҳисобланади. Тайёрлаш усули ниҳоятда содда. 250 грамм маска ёғини 350 грамм шакарга яхшилаб қориштирилади, сўнгра бунга 250 грамм қовурилган ва янчилган бодом мағзи солиниб кўп аралаштирилади. Сўнгра устига 500 грамм ун билан 2 дона тухум қўшилиб хамир қорилади. Бир чимдим сода ва туз солишни унутмаслик керак. Сўнгра тайёр бўлган хамирни супра тахта устига олиб диаметри 3-4 сантиметр қалинликда чилвир чўзилади ва 2 соат давомида совуткичнинг музхонасида сақланади. Кейин музхонадан олиб паррак-паррак қилиб кесилади-да, қиздирилган духовкада 5-7 дақиқа пиширилади. Тайёр бўлган ҳар бир печенье юзини эритилган шоколад томчилари билан безатилади.

Биз учун қизиғи шундаки, Шарл Шремли биттагина эмас, юзлаб таомларни ижод этган ва минглаб пазандалик китобларни тўплаган шахсдир. Жаҳонда барча халқлар олти мингга яқин тилда гаплашишини ҳисобга оладиган бўлсак, Ш. Шремлининг кутубхонасидаги китоблар 1753 тилда ёзилгани билан ҳайратланарлидир. Бу нодир асарларни у кўпгина мамлакатларга қилган саёҳатларида ва бошқа саёҳатчилар орқали олдириб тўплаган. У китобни бебаҳо бойлик деб ҳисоблаганлигидан сотувчи айтган нархига савдолашиб ўтирмай олаверган. Яна, унинг бир хислати ажойибки, ана шу 3000 жилдни у китоб шкафларига териб чанг бостириб қўймай, таржимонлар ёллаб, ҳар бирини ўрганиб чиққан. Шунинг учун ҳам Шарл Шремлини кичик бир қаҳвахонанинг оддий бир қандолатчисигина эмас, балки жаҳон пазандалигининг академиги деб ҳисоблаш мумкин.

Оқила РАИМОВА тайёрлаган.

*Бўш вақтларингизда*

## ТОПҚИРЛИГИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Азиз муштарий! Аввало қуйида таърифланган номларни шакл ўртасидаги хоналарга белгиланган хонадан соат мили йўналишида ёзинг.

1. Шарқ халқлари шоири ва мутафаккири, «Комде ва мудан» достони муаллифи, рубоийнавис. 2. «Хамса»чиликни бошлаб берган озарбайжон мумтоз шоири. 3. Қирғиз халқ достони. 4. Ўзбекистон халқ шоири, « Наврўзи олам» тўплами муаллифи. 5. XYI аср мусиқашунос олими «Рисолаи мусифий» асари муаллифи, бастакор ва шоир. 6. Қўқонлик XIX аср ўзбек мумтоз шоираси. 7. Атоқли ўзбек ва тожик ёзувчиси. 8. Тожикистон халқ ёзувчиси, «Олов қизи» асари муаллифи. 9. Темурийлар вакили, давлат арбоби, саркарда, мумтоз шоир ва олим.

***

Қуйидаги рақамларда яширинган сўзларни таърифлари асосида очқични ечинг.

1. Атоқли ҳинд адиби ва жамоат арбоби. Нобель мукофоти соҳиби — 5, 2, 13, 1, 9.

2. Ўзбек мумтоз шоирларидан бири — 6, 1, 12, 14.

3. Асосан Жанубий Осиёдаги ярим оролда яшовчи миллат.

4. Кишининг муомала ва руҳий хусусиятлари мажмуи — 8, 14, 10, 16.

5. Бирон нарсанинг энг муҳим қисми — 17, 7, 2, 11.

Энди шакл атрофидаги рақамларни жавоблардаги таллуқли ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Бунда Абдулқодир Нурий ал-Барзанжийнинг «Одобга оид термалар» тўпламидаги ҳикматлардан бири аён бўлади.

Фозилжон ОРИПОВ.



Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ

